

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ТАШРИФ БИЛАН БРЮССЕЛДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта ва Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйеннинг таклифига биноан 23-24 октябрь кунлари расмий ташриф билан Брюссель шаҳрида бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, Европа Иттифоқи пойтахтида ушбу бирлашманинг асосий институтлари раҳбарлари билан икки томонлама музокаралар ўтказилиши режалаштирилган.

Кўп қиррали муносабатларни жорий йил апрель ойида Самарқанд шаҳрида ўтган олий даражадаги учрашувда эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида янада ривожлантириш ва кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилади.

Савдо-иқтисодий, инвестиция-молия, инновация, энергетика, транспорт-коммуникация, фан-таълим ва бошқа устувор

соҳаларда амалий ҳамкорлик бўйича аниқ лойиҳа ҳамда дастурларни илгари суриш эътибор марказида бўлади.

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланиши кўзда тутилган.

Ташриф доирасида Ўзбекистон етакчиси Бельгия раҳбарияти билан учрашув ўтказида, технологик ва саноат кооперациясини ривожлантириш бўйича қўшма режаларни жадаллаштириш мақсадида Европанинг етакчи компания ва банклари раҳбарларини қабул қилади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ЙИРИК АВИАЦИЯ ХАБИГА АЙЛанаДИ

Мамлакатимизга келаётган сайёҳлар сони ҳар ой бир миллионни ташкил этаётгани ва бу ҳозирча Ўзбекистон тарихида рекорд кўрсаткич экани эътиборга молик. Айти пайтда кўча-кўйда турли тилда сўзлашиб, ён-атрофга ҳайрат билан боқаётган хорижликларга кўзингиз тушади.

Статистик маълумотларга кўра, шу йилнинг ўтган тўққиз ойида мамлакатимизга 8,6 миллиондан ортиқ хорижлик сайёҳ келган. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 112,5 фоиз кўп дегани. Жум-


ладан, шу йил апрелдан буён Ўзбекистон ҳар ойда 1 миллиондан ортиқ чет эллик туристни қабул қилмоқда.

► Давоми 2-бетда

АҲОЛИ ВА ҲУДУДЛАРНИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОҒАЗА ҚИЛИШДА ПРОАКТИВ ИШЛАЙДИГАН ТИЗИМ ЯРАТИШ МУҲИМ

Сўнгги йилларда дунёда содир бўлаётган табиий ҳамда техноген офатлар, уларнинг олдини олишда профилактик тадбирларни манзилли ташкил этиш, аҳолини фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш, билим ва кўникмаларини ошириш, соҳага замонавий ахборот технологиялари, робототехника ва сунъий интеллектни татбиқ этиш долзарб масалага айланди.

Ҳозир республика ҳудудидаги фавқулодда вазиятларнинг 76 фоизи аҳоли хонадонлари ҳиссасига тўғри келиб, оқибатда 2,5 триллион сўмга яқин моддий зарар етиб, 3925 та маҳалла ва 79 туман (шаҳар) фавқулодда вазиятлар ва ёнгинлар содир бўлиш эҳтимоли юқори бўлган “қизил” тоифага киритилган.



Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг сабаблари

Бугунги кунда соҳада 30 га яқин қонун ва қонуности ҳужжат эскирган, фавқулодда вазиятлар ва ёнгинлар профилактикаси фақат 4 та бўғинда, яъни республика, вилоят,

туман (шаҳар) ва объект даражасида олиб борилиб, маҳалла ва аҳоли хонадонларида тизимли профилактик тадбирлар ташкил этилмаган.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги академиясида соҳа учун фақатгина ёнгин хавфсизлиги бўйича 2 та (“Ёнгин хавфсизлиги” ва “Техносфера хавфсизлиги”) йўналишида кадрлар тайёрланмоқда. Соҳада касбий ўрта профессионал кадрларни тайёрлаш тизими мавжуд эмас.

Илмий тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш механизмлари йўлга қўйилмаган, ўқув-методик ва моддий-техник база такомиллаштирилмаган, илмий салоҳият атиги 43 фоизни ташкил этади.

Прогнозлаш, мониторинг, профилактика амалиёти тўлиқ рақамлаштирилмаган, ягона тизимга кирувчи куч-воситаларни бошқариш ва мувофиқлаштириш ахборот платформаси яратилмаган.

Аҳолига хабар бериш тизими “республика — маҳаллий — локал — объект” даражаларини яхлит қамраб олмаган. Қолаверса, махсус ёнгин-қутқарув техника воситаларининг 60 фоизи маънан эскирган бўлиб, бугунги замон қаҳирқиларига жавоб бермайди.

Инсон қадри учун



Юртимизда инсон қадрини улуғлаб, халқимиз саломатлигини асрашга устувор вазифа дея эътибор берилмоқда. Олис, чекка ҳудудларда ҳам тиббиёт соҳасида тўб ўзгаришлар бўляпти. Фикримизни Бўзатов туманида мамлакат миқёсидаги энг йирик даволаш масканларидан бири — “Бўзатов” санаторийси фойдаланишга топширилгани ҳам исботлайди.

— “Бўзатов” санаторийси учун 200 ўринли, халқаро талабларга жавоб берадиган олти қаватли бино қурилди. Бу ерга келадиганларга индивидуал ёндашадиган тизим яратилган. Даволаш, реабилитация жараёнлари учун замонавий тиббий ускуналар ўрнатилган, — дейди “Бўзатов санаторийси” МЧЖ директори Фахриддин Абдуллаев. — Санаторий қурилиши, жиҳозлари учун Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси томонидан 123 миллард сўм ажратилди. Натижада 100 дан зиёд иш ўрни яратилди.

Санаторий йилига олти минг кишига хизмат кўрсатиш қувватига эга. Унинг ҳудуди 12 гектарни ташкил этади. Шундан 6,3 гектарда мевали, 4 гектарда манзарали дарахт кўчатлари экилган. Беморлар

900 метр чуқурдан олинадиган минерал иссиқ сув ёрдамида даволанади.

— Бу ерда терапевт, невропатолог, кардиолог, гинеколог мутахассислар ҳаракат-таняч, овқат ҳазм қилиш органлари, юрак-қон томир, асаб, эндокрин ва суяк-бўғим тизимлари касалликлари бўйича тиббий соғломлаштириш ва реабилитация хизматлари кўрсатади, — дейди Ф.Абдуллаев. — Шунингдек, лаборатория таҳлили, ЭКГ, УТТ ва бошқа ташхис, муолажалар ўтказилади.

“Бўзатов” Ўзбекистондаги энг яхши санаторийлар қаторидан жой олиши табиий. Чунки бу ерда нафас йўли касалликларини даволаш учун туз ғори, оксигенотерапия, гидромассаж (шарко, виши, циркуляр ва сув ости) умуртқа грижасини даволаш, озонотерапия, лазеротерапия,

карбокситерапия ва бошқа физотерапик муолажалар қилинади.

— Бундай санаторий бизнинг ҳудудда қурилиши хаёлимизга ҳам келмаганди. Бўзатов табиатининг гўзаллиги билан бошқа туманлардан ажралиб туради. Халқимиз тумани “Ўзбекистон Швейцария”си деб атайди. Бу ерда янги санаторий қурилиши айти мудоа бўлди. Даволанувчилар яхши ҳордиқ чиқариши учун барча имконият бор. Масалан, истироҳат боғлари, кутубхона фаолият юритади. 200 кишилик маданият саройи, замонавий ошхона, фин, рус ва турк ҳаммомлари, ёпиқ сув ҳавзалари ҳам бор, — дейди Бўзатов туманидаги “Эркиндарё” овул фуқаролар йиғинида яшовчи Худойберган Тилеўлиев. — Асосийси, маҳаллий аҳоли учун доимий иш ўринлари яратилгани

қувончли. Бўзатовда санаторий қурилиши янги Ўзбекистонда қорақалпоғистонликлар фаровонлиги учун бажарилаётган ишларнинг амалий ифодасидир.

Санаторийда қуёш панеллари ўрнатилган. Бу эса энергияга талабни ишончли таъминлаш имконини беради. Шу каби жиҳатлар “Бўзатов” санаторийси яқин келажақда энг гавжум, талаб юқори бўлган соғломлаштириш масканларидан бирига айланишдан далолат бермоқда. Бу ерга келган ҳар бир инсон нафақат саломатлигини тиклайди, балки табиат қўйнида ҳузур-ҳаловат ва хотиржамлик топади. Буни маҳаллий аҳоли фахр билан эътироф этмоқда.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бизнинг суҳбат

ХАВФСИЗ АХБОРОТ МУҲИТИ

БОЛАЛАР КОНТЕНТИ НИМАЛАРНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛИШИ КЕРАК?

Миллий контент узлуксиз таҳлил ва такомиллаштиришни талаб қиладиган муҳим ва стратегик мавзу. Чунки замон шиддати ва ахборот оқимининг тезкор ўзгариши унга қайта-қайта юзланишни тақозо этади. Бугун интернет, ижтимоий тармоқлар, умуман, глобал медиаплатформалар ҳар куни минглаб янги ахборот бериб боради. Агар миллий контент доимий равишда янгиланмаса, замон талабларига мослашмаса, ёшлар онгида бошқа маданий таъсирлар устун ё ғолиб келиши муқаррар.

Жорий йилнинг 9 сентябрь куни Президентимиз раислигида мактабгача таълим ва мактаб таълими соҳасидаги ислохотлар ижроси ҳамда келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеосектор йиғилишида бу мавзуга яна бир бор эътибор қаратилди. Бу борада келгуси ишлар, режалар муҳокама қилинди. Хусусан, Болалар контентини ривожлан-

тириш маркази, Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти жамоаси олдига қизиқарли видеороликлар яратиб, “Миллий тарбия” платформасига жойлаштириб бориш вазифаси қўйилган. Институт директори, академик Холбой ИБРАГИМОВ билан суҳбатимиз ана шу вазифаларга бағишланди.

► Давоми 5-бетда

Кун мавзуси

ЭКСПОРТНИНГ АСОСИЙ КАЛИТИ

ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИ ТАРМОҒИ

ҚАНДАЙ РИВОЖЛАНМОҚДА?

Ҳозир хориждаги юртдошларимиз орасида логистика компанияларида ишлаётганлар кўпайган. Ҳатто ўзбек тадбиркорларининг ўзи чет элда ана шундай компанияларни очиб, юк ташиш хизматларини кўрсатиб келяпти. Ҳар икки шароитда ҳам даромад яхши экани айтилмоқда. Бойси, аксарият давлатларда юк машинасини ҳайдаш қора иш эмас, аксинча, энг даромадли йўналишлардан. Замонавий логистика хизматлари кейинги йилларда юртимиз амалиётига ҳам фаол кириб келди.

Мамлакатимизда барча соҳалар, хусусан, экспортнинг кенг ривожланиши, хориж билан очиқ сийosat ҳамда алоқалар кенгайётгани, Ўзбекистон маҳсулотларининг аънанавий бозорлардан ташқари, Европа давлатларига кириб бораётгани логистика хизматларига талабни оширмоқда.

Логистика деганда, одатда, маҳсулот ва хизматларни бир нуқтадан иккинчи нуқтага етказиб бериш тушунилади. Сақлаш, тарқатиш, тақсимлаш жараёнлари ҳам шунинг ичига қиради.

Кўпинча экспортёр корхона маҳсулот ёки хизматни хорижга етказиб беришга тайёр ҳолатга келтиради, аммо уни манзилга етказиш учун логистика компаниясига мурожаат қилиб, транспорт хизматларидан фойдаланишига тўғри келади. Юртимизда бундай хизмат кўрсатадиган компаниялар 2016 йилгача санокли эди. Борлари ҳам эски русумдаги, кўп қулайликларга эга бўлмаган юк машиналаридан фойдаланган.

► Давоми 4-бетда

► Давоми 3-бетда



2025 йил 23 октябрь, 217-сон



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

НИГОХ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

МУҚАДДАС ВА ШАРАФЛИ БУРЧ

МАҚСАД — ХАЛҚЧИЛ, ОЧИҚ ВА САМАРАЛИ ИЧКИ ИШЛАР
ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ



Нуқтаи назар

Бугун юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, фуқароларнинг хавфсизлигини муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланган. Айниқса, аҳолининг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш масалаларига давлат сиёсатида энг муҳим ва устувор вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

сидқидилдан бажаради. Бунинг учун, аввало, ички ишлар тизимида маънавий-маърифий ишларни мутлақо янги шаклда йўлга қўйиш ва амалга ошириш талаб этилади.

Биринчидан, маънавий юксак кадрларни шакллантириш. Юксак маънавиятли инсон фидойилик, жасорат, мардлик, бағрикенглик, Ватанини севиш, миллий қадриятларимизни қадрлаш, буюк аجدодларидан фахрланиш каби олижаноб фазилатлари билан ажралиб туради.

Иккинчидан, ватанпарвар, юртга садоқатли кадрларни тайёрлаш. Ҳақиқий ватанпарварлик миллат, Ватан манфаати билан яшаш, унинг истиқболи йўлида меҳнат қилиш ва курашиш демакдир. Ватанпарвар ўз халқининг яхши ва ёмон кунларида у билан бирга бўлади, ўз бахтини Ватан бахтидан излайди.

Учинчидан, билимли ва салоҳиятли кадрлар тайёрлашда китобхонлик маданиятини ривожлантириш. Ҳар томонлама етук кадрларни тайёрлашда китобхонлик маданиятини юксалтириш гоят зарур. Зеро, ички ишлар органлари ходимларини юксак касб маданияти соҳибига этиб, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол гояларига садоқат руҳида тарбиялашда китобнинг аҳамияти катта.

Тўртинчидан, кадрлар билан ишлашда тарбиявий ишларни жадаллаштириш. Шу

ажратилмоқда. Қисқаси, уларнинг қувончу таъшишига шерик бўлиш доимий юмушга, маънавий эҳтиёжга айланган.

Бугун мамлакатимизда ички ишлар органларининг фаолияти очiq ва ошкоралик йўсинида, фуқароларнинг уларга ишончи ошишини таъминлайдиган тарзда ташкил этилмоқда. Одамларни эшитиш бошланди. Уларнинг муаммолари, дарду ташвишлари-ни ўрганиш тизими яратилди. Халқ билан аниқ мақсадни қўзлаб ўтказиладиган тизимли мулоқотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилди. Энг асосийси, мамлакатимиздаги түб ислохотлар ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ёрдам кўрсатадиган, халқ манфаатларига хизмат қилишни ўз хизмат бурчи деб биладиган, ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантиришга замин яратди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлари тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширишда “маънавият — маърифат — таълим ва тарбия — тарғибот” тамойилига амал қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Жамиятда шахснинг шаклланишига турли омиллар таъсир кўрсатади. Атоқли маърифатпарвар Абдулла Авлоний “Туркий

“

Ўзбекистон Республикаси ички ишлари тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширишда “маънавият — маърифат — таълим ва тарбия — тарғибот” тамойилига амал қилиш муҳим аҳамият касб этади.

боис, ички ишлар органларида шахсий таркибини тарбиялаш, ушбу тизимни янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Айниқса, ёш ходимларини она Ватанга муҳаббат, касбга садоқат руҳида тарбиялаш, хизмат интизоми ва қонунийликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Бешинчидан, ходимларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш. Шу мақсадда ички ишлар органлари тизимида узоқ йиллардан буён хизмат қилиб келаётган ходимлар ва оила аъзоларини уй-йўли билан таъминлаш, субсидия ажратиш, ижара тўловини қоплаш масалалари ҳал этиляпти. Жойларда турар жойга эҳтиёжманд ходимлар рўйхати юритилиб, уларга хизмат уйлари

гулистон ёҳуд ахлоқ” асарида инсоннинг камол топишида тарбиянинг ўрнини алоҳида таъкидлар экан, “Боланинг саломи ва садодати учун яхши тарбия қилмак, танини пок тутмак, ёш вақтидан маслаканин тўзатмак, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан сақлаб ўсдурмақдир”, дейди.

Халқ хизматчиси бўлиши нафақат шараф, балки муқаддас бурч ва жавобгарлик эканини ички ишлар органларида хизмат қилаётган ходимлар теран англаши лозим. Бугун тараққиёт сари дадил оқимлаётган янги Ўзбекистонда халқчил ички ишлар органлари тизимини яратиш бош гояга, “Ватан ва халққа садоқат билан хизмат қилиш — олий бурчимиз” концептуалларда турар жойга эҳтиёжманд ходимлар рўйхати юритилиб, уларга хизмат уйлари



Муносабат

Бешафқат глобаллашув қонуниятлари тўхтаб қолган, фикрламайдиган, олға юрмайдиган, янгилыклардан мосуво халқ ва миллатларни аяб ўтирмаяпти. ЮНЕСКО маълумотларига кўра, ҳар ҳафта иккитадан тил таназзулга юз тутаетир. Бу ҳолат ўша халқлар учун аянчли жараён, ҳақиқий фожиадир.



СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ЎЗБЕК ТИЛИ ИСТИҚБОЛИ УЧУН ҚАНОТ БЎЛМОҒИ КЕРАК



Абдулҳай СОБИРОВ,
Андижон давлат университети
профессори,
филология фанлари доктори

янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари Ўзбек тили байрами муносабати билан халқимизга табрик йўллади. Бу эса мазкур фикрларнинг навбатдаги тасдиғидир.

Бугун давр давлат тилига бошқача ёндашишни талаб қилмоқда. Зеро, ҳаётимизга илм-фан, техника ютуқлари баҳор эпкинчи каби узлуксиз кириб келмоқда. Айниқса, кейинги пайтларда сунъий интеллект масаласи кун тартибига чиқди. Миллий тилларнинг келажагини усиз тасаввур қилиб бўлмай қолди. Жаҳон тажрибасидан ўтаётган бу жараён ҳам давлатимиз раҳбарининг назаридан четда қолмади. Ўзбек тилини таъкомиллаштириш режаларини унга мос равишда қайта кўриб чиқиш ҳаётий эҳтиёжга айланди.

“Ҳаётимизда сунъий интеллект таъсири ортиб бораётган бир пайтда бу қудратли восита ёрдамида она тилимизни ривожлантириш ва тарғиб этиш — давр талабидир”, дейилади байрам табригиде. Шунингдек, мазкур қарор ва табриқда назарда тутилган улкан вазифалар фақат соҳа мутахассислари ва давлат хизматчиларининг вазифаси эмас, балки жадид боболаримиз таъкидлаган миллат учун ҳаёт-мамонт масаласидир. Бутун халқ, миллат Ўзбек тили атрофида бирлашиб, жипслишиб ҳаракат қилса, бу борада муайян ютуқларга эришиш мумкин.

Бугун илгор давлатлар ва миллатлар она тили тақдирини фақат шу йўл билан, илм-фан, техника ютуқлари, сунъий интеллект ёрдамида мустаҳкамлаб олмақда. Ўзбек тили ҳам илм-фан, техника тилига айлантирилмас экан, жонли сўзлашув тили босқичдан кейинги сифат босқичига кўтарилмай, дун дорада қолиб кетаверади.

Айни пайтгача қилинган ишлар, жумладан, 100 мингдан ортиқ географик объект номининг давлат реестрига киритилгани, ҳудудлардаги 150 мингдан зиёд ташқи ёзувнинг давлат тили ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлаштирилгани, раҳбарлик лавозимларига номзодларнинг Ўзбек тили бўйича

билими даражасини аниқлаш мақсадида миллий тест тизими жорий этилиб, қисқа муддатда 3000 дан зиёд талабгорнинг қарийб 1500 нафарига давлат тилини билиш бўйича сертификат берилгани, Ўзбекча матиларни сунъий интеллект ёрдамида қайта ишлаш ва Ўзбек тилида мулоқот қилишга мўлжалланган “ақли” дастур ишлаб чиқилгани каби қатор чора-тадбирлар ҳозирги давр шитоби олдида етарли эмас.

Бугунги вазият олдинги йиллардагидан кескин фарқ қилади. Жаҳонда содир бўлаётган воқеалар илм-фан, техника соҳаларида илгорлиқни қўлга киритган инглиз, немис, рус, хитой, япон, корейс миллатларининг тили бошқа тилларга нисбатан ҳукмрон мавқега ўтиб бораётганини кўрсатмоқда. Масалан, дунё бўйлаб тарқалаётган ахборотнинг 80 фоизи инглиз тили ҳиссасига тўғри келмоқда.

“World Wide Web Foundation” вакили Хуан Орtiz Фрейернинг айтишича, дунё аҳолисининг қарийб 5 фоизи инглиз тилида гаплашади, бироқ интернетдаги барча контентнинг қарийб 50 фоизи шу тил орқали тарқалади. Интернет “маданий оммалашув”та улкан ҳисса қўшмоқда, Facebook ва Googleдан фойдаланувчилар сони кундан кунга ошиб бормоқда.

Таъкидотчи Дэвид Граддолнинг ҳисоб-китобига кўра, ҳозир инглиз тилида юритиладиган 750 миллион атрофида сайт мавжуд. Улар умумий миқдорнинг 54,7 фоизини ёрдамида она тилимизни ривожлантириш ва тарғиб этиш — давр талабидир”, дейилади байрам табригиде. Шунингдек, мазкур қарор ва табриқда назарда тутилган улкан вазифалар фақат соҳа мутахассислари ва давлат хизматчиларининг вазифаси эмас, балки жадид боболаримиз таъкидлаган миллат учун ҳаёт-мамонт масаласидир. Бутун халқ, миллат Ўзбек тили атрофида бирлашиб, жипслишиб ҳаракат қилса, бу борада муайян ютуқларга эришиш мумкин.

Бугун илгор давлатлар ва миллатлар она тили тақдирини фақат шу йўл билан, илм-фан, техника ютуқлари, сунъий интеллект ёрдамида мустаҳкамлаб олмақда. Ўзбек тили ҳам илм-фан, техника тилига айлантирилмас экан, жонли сўзлашув тили босқичдан кейинги сифат босқичига кўтарилмай, дун дорада қолиб кетаверади.

Айни пайтгача қилинган ишлар, жумладан, 100 мингдан ортиқ географик объект номининг давлат реестрига киритилгани, ҳудудлардаги 150 мингдан зиёд ташқи ёзувнинг давлат тили ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлаштирилгани, раҳбарлик лавозимларига номзодларнинг Ўзбек тили бўйича

эга. Ҳозир Андижон ва Наманган аэропорти, умуман, мамлакатимизнинг 7 ҳудудида аэропортлар реконструкция қилиняпти. Бугунги давр талабларига мослаштириляпти. Мусиоқ, Қўқон, Зомин, Шахрисабз, Сарйосё, Сўх туманларида янги аэропортлар барпо этилиб, мамлакатимизда авиақўналгалар сони 18 тага етказилди.

Энг муҳим жиҳати, соҳада рақобат муҳити яратилгани боис, бугун Ўзбекистон транспорт бозорида 15 та янги авиакомпания пайдо бўлди. Уларнинг авиапаркидаги ҳаво кемалари сони эса 105 тага етди.

Айни пайтда Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амириклари, Қатар, Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон, Малайзия, Туркия, Россия, Польша каби давлатларнинг 51 та авиакомпанияси мамлакатимизга мунтазам қатновларни амалга оширмоқда. Келгуси беш йилда авиапаркдаги ҳаво кемалари 180 тага, йўналишлар 230 тага, маҳаллий ва халқаро авиақатновлар сони эса йилгига 200 мингга етказилди.

Давлатимиз раҳбари янги халқаро аэропорт қурилиши билан танишар экан, “Ушбу ислохотларимизнинг пировард натижасида Ўзбекистонини Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимолни боғловчи йирик авиация хабиға айлантиришни мақсад қилганмиз”, дея алоҳида таъкидлади.

Катталиги ва имкониятлари кенглиги жиҳатидан Марказий Осиёда янаона авиация хабиға айланиши қутилаётган ушбу йирик мажмуа сайёҳлар ва инвестицияларнинг нафақат Ўзбекистонга, балки минтақа мамлакатларига оқимини кучайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Юнус БЎРОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЎЗБЕКИСТОН ЙИРИК АВИАЦИЯ ХАБИГА АЙЛАНАДИ

Бошланиши 1-бетда

Ушбу кўрсаткични давлатлар кесимида таҳлил қилсак, манзара янада ойдинлашади. 2022 йилдаги пандемия даврига нисбатан бу йил туристлар келиши Буюк Британиядан 2,6, Қатардан 6,2, АҚШдан 3, Франциядан 2,9, Россиядан 2,1, Венгриядан 3,3, Германиядан 2,5, Польшадан 6,2 барабар кўпайган. Бу рақамлар мамлакатимизда туризм илчил ривожланиётганини ифодаляйди. Шунингдек, соҳадан тушаётган фойда ҳам рекорд даражада — 3,6 миллиард долларни ташкил қилди.

Одатда сайёҳлар кўнгли ҳузур топадиган, завқ оладиган, таассурот ва саргузаштга бой, тинч ва хавфсиз ўлкаларга саёҳат қилишни истайди. Сўнгги йилларда яхши қўшничилик алоқалари тиклангани, чегаралар очилгани туфайли минтақамиз бўйлаб бемалол ҳаракатланиш имконияти яратилди. Бу ўз-ўзидан Ўзбекистонга келишни истовчилар сонининг ошишида ҳам асосий омил бўлмоқда.

Бежиз сайёҳлик ҳақида сўз очмадик. Чунки бугун дунёдаги энг сердаромад соҳалардан бири бўлган туризм юртимизда жадал ривожланмоқда. Меҳмонхоналар, сайёҳлик йўналишлари, транспорт-логистика тизими, умуман, инфратузилма мазкур тармоқда муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда транспорт инфратузилмаларини модернизация қилиш, янгиларини бунёд этишга кучли эҳтиёж сезилмоқда. Бундан саккиз йил олдин Тошкент аэропорти 3 миллион йўловчига хизмат кўрсатарди. Ҳозир эса авиайўловчилар оқими 3 карра ошиб, йилгига 9 миллионга етди.

Қолаверса, ҳозирги аэропорт шаҳар кенгайиши ҳисобига пойтахт ичига қолди ва уни кенгайтиришнинг илҳами йўқ. Тўла қувватда ишлаганда ҳам ушбу авиақўналғада 11 миллион кишига хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд. Мутахассисларнинг

маълумотиға кўра, 2040 йилга бориб, Тошкентта биргина ҳаво транспортни орқали келиб-кетувчилар сони 24 миллиондан ошади. Демак, аэропорт хизматиға эҳтиёж камида икки баробар ортади.

Шу боис, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Янги Тошкент халқаро аэропортини бунёд этишга киришилди. Шаҳар чеккасида яхлит шаҳарча дея эътироф этилаётган пойтахтимизнинг “ҳаво дарвозаси” Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ ва Куйи Чирчиқ туманлари ҳудудидаги 1310 гектар майдонда бунёд этилади.

Лойиҳа давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилади. Саудия Арабистонининг “Vision Invest” (45 фоиз), Япониянинг “Sojitz Corporation” (30 фоиз), Жанубий Кореянинг “Incheon International Airport Corporation” (15 фоиз) ва “Uzbekistan Airports” (10 фоиз) компаниялари консорциуми ташкил этилди. Дунёга донги кетган нуфузли компанияларнинг иштирок этаётгани, миллиардлар сармоя киритаётгани ҳам ушбу йирик лойиҳанинг Марказий Осиёда энг истиқболли лойиҳалардан бири эканини кўрсатиб турибди.

“

Лойиҳа 4 босқичда амалга оширилади. Хусусан, биринчи босқичда 2,6 миллиард доллар инвестиция киритилади. Шундан 1,8 миллиард доллари аэровокзал қурилишига йўналтирилади. Аэродром инфратузилмасига эса 800 миллион доллар сарфланади.

Янги аэропорт йилига 20 миллион йўловчи ва 129 минг тонна юк қабул қила олади. Соатига 30 та учинш-қўниш

Шарҳ



операцияси бажарилади, 62 та самолётни бир вақтда жойлаштириш имкони бўлади. Энг муҳими, аэропорт қайта тикланувчи энергия манбалари ёрдамида ишлайдиган, дунёдаги энг экологик тоза аэропортлардан бири бўлиши қутилмоқда.

Янги аэропорт йилига 20 миллион йўловчи ва 129 минг тонна юк қабул қила олади. Соатига 30 та учинш-қўниш операцияси бажарилади, 62 та самолётни бир вақтда жойлаштириш имкони бўлади. Энг муҳими, аэропорт қайта тикланувчи энергия манбалари ёрдамида ишлайдиган, дунёдаги энг экологик тоза аэропортлардан бири бўлиши қутилмоқда.

Савдо майдони ҳам жаҳон стандартлариға мос бўлади: “Duty Free” зонаси 46 минг квадрат метрни ташкил этади. Бу кўрсаткич бўйича янги қурилаётган аэропорт Истанбул, Лондоннинг “Хитроу” ва Дубай аэропортлари билан рақобатлаша олади.

АҲОЛИ ВА ХУДУДЛАРНИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШДА ПРОАКТИВ ИШЛАЙДИГАН ТИЗИМ ЯРАТИШ МУҲИМ



Ботир ҚУДРАТХЎЖАЕВ,
фавқулдда вазиятлар вазири,
генерал-майор

Бошланиши 1-бетда

Фармон билан аҳоли ва ҳудудларни фавқулдда вазиятлардан ишончли муҳофаза қилиш соҳасини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш борасидаги ислохотларнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Жумладан:

- фавқулдда вазиятларнинг барвақт олдини олиш ва оқибатларини камайтириш фаолиятини устувор вазифа сифатида қабул қилиш орқали маҳаллалар даражасида кенг қамровли профилактика механизмларини яратиш ва самарали татбиқ қилиш;
- энергетика, йирик ишлаб чиқариш, қурилиш ва хизмат кўрсатиш объектиларида фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш, хавфни бошқариш, техноген аварияларни ўз вақтида бартараф этишнинг янги стандарт ҳамда методикаларини ишлаб чиқиш ва фавқулдда вазиятлар шароитларида ҳаракатланиш амалиётини йўлга қўйиш;
- фавқулдда вазиятлар йўналишида давлат назорати шаклларининг талаблари ҳамда меъёrlарини замон талабларига мос равишда қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш механизmlарини трансформация қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини белгилаш;
- фавқулдда вазиятлар хавфини бартараф этиш соҳасига сунъий интелект, робототехника ва замонавий рақамли технологияларни кенг жорий этиш, мазкур ҳолатларнинг олдини олишга масъул идора ва ташкилотларнинг ахборот тизимларини ягона технология платформага бишлаштириш;
- барча бўғиндаги фавқулдда вазиятлар органлари учун кадрлар ва раҳбарларни мақсадли тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича дуал таълимга асосланган яхлит, узлуқсиз ўқув тизимини йўлга қўйиш, мазкур жараёнга ўқитишнинг илгор педагогик усулларини татбиқ этиш;



— фавқулдда вазиятларнинг мониторинги ва уларни прогноزلаш, шунингдек, аҳоли ва ҳудудларни табиий офатлар, техноген авариялар ва ёнгинлар хавфидан муҳофаза қилиш соҳасида манзилли илмий-инновацион ва синов-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш.

Фармон билан соҳада аниқ чора-тадбирларни кўриш, амалга оширилиш лозим бўлган профилактик тадбирларни қадаммақадам ташкил этиш мақсадида қуйидаги ташкилий асослар тасдиқланди:

- 11 та асосий вазифа, 9 та устувор йўналиш ҳамда 19 та мақсадли кўрсаткични қамраб олган Аҳоли ва ҳудудларни фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш концепцияси;
- Ўзбекистон Республикасининг 7 та қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 1 та фармони ва 5 та қарори, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 30 та қарори лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда 12 та идоравий ҳужжатни тайёрлашни назарда tutувчи 2025-2027 йилларга мўлжалланган фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури.

Фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури 2025-2027 йилларда амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари раислигидаги 12 та вазирлик ва идора раҳбарларидан иборат ишчи комиссия таркиби тасдиқланиб, унинг ишчи органи этиб Фавқулдда вазиятлар вазирилиги белгиланди.

Тараққиёт одимлари

Бу яратиб берилган имкониятлар билан бирга Фавқулдда вазиятлар вазирилиги раҳбарияти ва шахсий таркиби зиммасига улкан масъулият ҳам юклайди.

Ишчи комиссия ва ишчи органга дастурда назарда тутилган чора-тадбирлар ўз вақтида амалга оширилишини доимий назорат қилиш ҳамда натижаларни ҳар чорақда танқидий муҳокама қилиб бориш, шунингдек, аҳоли ва ҳудудларни фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва ёнгин хавфсизлигини таъминлаш жараёнида ташкилий чораларни кўришда малакали хорижий экспертларни жалб этиш вазифаси ҳам қўйилди.

Фармоннинг муҳим жиҳатларидан бири ҳудудларда ҳокимларнинг халқ депутатлари туман (шаҳар) ва вилоят кенгашларига ҳисоботи белгиланишидир.

Эндilikда аҳоли хонадонларида ва маҳаллаларда фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш соҳасида юзага келаётган муаммоларга тезкор ечим топиш ҳамда камчиликларни жойида бартараф этиш имкониятлари янада ошади.

Фармон билан 2025 йил 1 ноябрдан бошлаб Фавқулдда вазиятлар вазирилиги тизимида меҳнат шартномаси асосида меҳнат фаолияти кутқарув ишлари ва ёнгинларни ўчириш билан боғлиқ бўлган ишларни амалга оширган хизматчиларнинг муайян қисмига имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия тайинлаш белгиланди.

Устувор йўналишлар ижроси — инсон хавфсизлигининг кафолати

Мамлакатимиз фуқаролари ва таширф буюраётган меҳмонлар хавфсизлигини таъминлаш, давлат тасарруфидagi, ижтимоий, йирик ишлаб чиқариш, иқтисодиёт ҳамда туристик объектиларда фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш энг долзарб вазифа ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарининг “Фавқулдда вазиятлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳам инсон хавфсизлиги ва объектилар барқарорлигини таъминлашга қаратилган.

Қарор билан, биринчи навбатда, соҳага масъул бўлган Фавқулдда вазиятлар вазирилигининг раҳбар ва шахсий таркибининг жавобгарлик чегаралари белгиланди, бир-бирини такрорловчи функциялар мақбуллаштирилди ва маҳаллаларда фаолият юритувчи профилактика инспекторлари сони оширилди. Жумладан, Фавқулдда вазиятлар вазирилиги тизимида энг оғриқли нуқталардан бири бўлиб келган давлат



назорати соҳаси бишлаштирилди, хусусан, барча назорат функцияларини ягона тартиб асосида амалга оширувчи фавқулдда вазиятлар органлари давлат назорати инспектори лавозими жорий қилинди.

Шунингдек, давлат ёнгин назорати органлари ваколатлари фавқулдда вазиятлар органлари зиммасига юклатилиб, Фавқулдда вазиятлар вазирилиги мазкур соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича ягона республика ижро этувчи органи этиб белгиланди.

Бу тартиб келажакда бир-бирини такрорловчи, асосиз ва режасиз текширишларнинг олдини олишга хизмат қилади ва ортқича расмийчиликларга барҳам беради.

Фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими таркибига кирувчи вазирлик ва идораларнинг қўйи тизимида, яъни вилоят, туман ва шаҳарларда фаолият кўрсатувчи идора ва ташкилотларда юзага келиши мумкин бўлган фавқулдда вазиятларнинг олдини



олиш, улар содир бўлганда куч ва воситаларнинг ягона бошқарувини таъминлаш каби ишларни бажариш мақсадида ҳудудий Фавқулдда вазиятлар бўлим ва бошқармалари бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари — фуқаро муҳофазаси бошлиқлари ўринбосарлари ҳисобланиши белгиланди.

Бу, ўз навбатида, жойларда фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш, улар содир бўлганда бартараф этишда куч ва воситаларнинг ягона бошқарувини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Шунингдек, фавқулдда вазиятлар органлари вазифа ва функцияларини аниқ белгилаш, тизимнинг барча бўғинида натижадор хизматни ташкил қилишни назарда tutувчи Ўзбекистон Республикаси Фавқулдда вазиятлар вазирилиги тўғрисидаги янги низоом тасдиқланди.

Юқорида қайд этилган қарор билан маҳаллаларда манзилли профилактика тадбирлари ташкил этилиши бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

“Маҳалламизни фавқулдда вазиятлардан муҳофазаланган ҳудудга айлантирамиз” шiori остида “профилактика-муҳофаза” тамойили асосида ташкилий механизмлар белгиланди. Жумладан:

- 9008 та маҳаллада фавқулдда вазиятлар юз бериш хавфини 24 та илмий ташкилот профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда илмий-техник ёндашув асосида ўрганишлар олиб борилади;
- ўрганишлар натижасида хавф индикаторлари шакллантирилади, унга кўра ҳар бир маҳалла “қизил”, “сарик” ва “яшил” тоифаларга ажратилади;
- фавқулдда вазиятлар юз бериш хавфи юқори бўлган (“қизил” ва “сарик” тоифадаги) маҳаллалар мунтазам равишда хонадонбай ўрганиб борилади ва ҳудуд, туман (шаҳар) ва маҳаллалар кесимида муаммоларни бартараф этиш орқали хавф индикаторларини камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади;
- туман (шаҳар) фавқулдда вазиятлар бўлими (бошқармаси) раҳбар ходимларини, давлат инспекторларини, биринчи навбатда, “қизил” ва “сарик” тоифадаги маҳаллаларга бириктириш орқали “маҳалла еттичилиги” манзилли комплекс профилактика тадбирлари ташкил этилади;

— маҳаллаларнинг хавф даражаларидан келиб чиқиб, ҳудудий бирлик доирасида давлат инспекторлари профилактика тадбирларини амалга ошириш учун экстерриториал тамойил асосида тақсимлаб борилади;- инспекторларнинг ишини самарали ташкил қилишни таъминлаш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғини биноси ва ҳуқуқ-тартибот максаmlаридa давлат инспекторларининг “Маҳалла муҳофазаси” хизмат хонаси ташкил этилади;

— маҳаллалардаги 7,5 миллион уй-жой фонди ва 300 мингдан ортқ назорат ҳамда 5349 та хавфли ишлаб чиқариш объектида фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш ва техника-профилактик чора-тадбирларни мувофиқлаштириш, натижадорлиги бўйича таъсирчан давлат назоратини ўрнатиш ҳамда фаолияти учун масъуллар ва жамоатчилик вакилларини рағбатлантириб бориш тартиби йўлга қўйилади.

Бунда фуқаролик муҳофазаси борасида ўқув-амалий ва комплекс тарғибот-профилактика тадбирлари тизими равишда ўтказиб борилиб, ўрмон фонди объектиларида мавсумолди ва мавсумда, пахта-тўқимачилик кластерлари, қурилиш объектилари ҳамда йирик савдо-кўнгилочар марказларда амалдаги қонунчилик ҳужжатлари доирасида аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг мол-мулкни асрашга қаратилган

манзилли профилактик тадбирлар амалга оширилади.

Мамлакатимизда ис газидан заҳарланиш ҳамда ҳаво-газ аралашмаси чақнаши каби нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида аҳоли хонадонлари ва хизмат кўрсатиш объектиларидаги газ плиталари, иситиш қозонлари, дуббўронлар (оловдан ҳимоя қилиш ва печ-мўрикон) ва вентиляция тизимларига шартнома асосида пулли техник хизмат кўрсатилади.

Бунга етарли даражадаги билим ва иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассислар фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида жалб этилади. Бу борада 2026 йил 1 январдан бошлаб бир йил давомида Тошкент вилояти ҳудудида синов тариқасида “Маҳалла муҳофазаси” лойиҳаси амалга оширилади.

Лойиҳа доирасида маҳаллаларда электр энергиясининг беҳуда сарфланиши ҳамда газ ва электр тармоқларига хавфсизлик талабларига зид равишда уланিশларнинг олдини олиш, шартнома асосида уй-жой фондида шамолатлиш каналлари ва дуббўронлар соzлигини таъминлаш, оловдан ҳимоя қилиш ва печ-мўрикон ишларини бажариш, электр



ва газ жиҳозларига, шунингдек, ёнгинга қарши хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмирлаш каби хизматлар кўрсатилиб, тарғибот-ташвиқот ўтказилади ва соҳага оид махсус адабиёт ҳамда тарғибот материаллари тарқатилади.

Аҳолида фавқулдда вазиятларда хавфсизлик маданияти янада юксалтирилади ва волонтерлик ҳаракати оммалаштирилади

Болалар ва ёшларни фавқулдда вазиятларда тўғри ҳаракатланиш, ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашга узлуқсиз тайёрлаш учун мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча таълим ташкилотлари тарбия-ўқув жараёнига амалий машғулотлар киритилади.

Мақтабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларда шахсий хавфсизлик компетенцияларини болалиқдан шакллантиришда “Илк қадам” давлат ўқув дастури доирасида хавфсиз ҳаракатланиш бўйича илк кўникмаларни муаммоли-вазирлиги ўйинлар ва интерфол машғулотлар орқали шакллантириш йўлга қўйилади.

Шунингдек, 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта ва ўрта махсус, касбий таълим ташкилотларида, шунингдек, олий таълим ташкилотларида “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” мавзуларида ўқув-амалий (тактик) машқлар ўтказилади.

Ҳар йили икки мартаба (баҳор ва қиш мавсумларидан олдин) иш билан банд бўлмаган аҳоли қатлами, инклюзивлик тамойили асосида ногиронлиги бўлган шахслар билан маҳалла фуқаролари йиғини вакиллари ҳамкорлигида фавқулдда вазиятлардан муҳофазаланиш бўйича бирламчи кўникмалар шакллантирилади.

“Мулкчилик шаклидан қатъи назар, битта бинода ишчи ва ходимлар сони жами 50 нафардан юқори бўлган ташкилот ва муассасаларда фавқулдда вазиятлардан муҳофазаланиш бўйича шартнома асосида ўқув-амалий ўқитишлар ўтказилади.

Ўзбекистон волонтерлари ассоциацияси билан биргаликда ёшлар орасида волонтер ва аҳоли ўртасида кўнгилли кутқарувчилардан иборат “Фавқулдда вазиятлар волонтери” жамоатчилик гуруҳлари шакллантирилиб, улар кўмағида маҳаллани фавқулдда вазиятлардан холи ҳудудга айлантиришга қаратилган “Биз биргамиз!” ҳаракати амалга оширилади. Бунда волонтерлик гуруҳлари фаолиятида “маҳалла — волонтер — давлат инспектори” узвий ҳамкорлиги йўлга қўйилади.

Ҳаракатни қўллаб-қувватлаш мақсадида натижалари билан бошқаларга ўрнак бўлган волонтерларга фавқулдда вазиятлар вазири тавсиясига асосан вазирлик академияси бакалаврият таълим йўналишига ўқишга киришди имтиёз берилади.

Маҳаллаларда кўнгиллиларни жалб этишда муҳим жиҳатлардан бири шукки, уларга “маҳалла еттичилиги” тавсиясига асосан ҳудудий кутқарув тузилмалари кутқарувчи лавозимига ишга қабул қилиш бўйича танловда белгиланган тартибда устуворлик берилади.



Аҳоли ва ҳудудларни фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилиш тизимини рақамлаштириш

Аҳоли ва ҳудудларни фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилиш тизимини рақамли трансформация қилиш, соҳага сунъий интелект ва робототехника имкониятларини татбиқ этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик йўналишларини ўзарo интеграция қилиш орқали махсуслот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг яхлит инновацион заңжирини яратишда Президентимизнинг “Фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасини рақамлаштириш ҳамда илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори Фавқулдда вазиятлар вазирилиги кенг имкониятлар яратмоқда.

Бунда соҳани яхлит рақамли трансформация қилиш ҳамда илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш доирасида истиқболдаги асосий вазифалар белгилab берилиди.

Биринчи вазифа: 2027 йил 1 декабрга қадар соҳага масъул вазирлик ва идораларнинг табиий, техноген ва экологик хусусиятли фавқулдда вазиятлар мониторингини, ахборот алмашинуви ва прогноزلash каби ахборот тизимлари умумий техник ёндашув асосида ягона платформага бишлаштирилади, 2030 йилга қадар зарур ахборот инфратузилмаси ва ресурслари тўлиқ шакллантирилади.

Иккинчи вазифа: 2028 йил 1 декабрга қадар фавқулдда вазиятлар органлари фаолиятига замонавий ахборот технологиялари ва рақамли ечимларни жорий этиш орқали рақамлаштириш даражаси 60 фоизга етказилади.

Учинчи вазифа: мониторинг, прогноزلash ва профилактика фаолиятига сунъий интелект технологияларини жорий этиш мақсадида соҳада кибертаҳдидлардан ҳимояланган ахборот инфратузилмаси яратилади.

Тўртинчи вазифа: 2030 йилга қадар соҳага зарур импорт қилинаётган авария кутқарув ва ёнгин-техник хавфсизлик

маҳаллийлаштириш даражаси 30 фоизга етказилади.

Бешинчи вазифа: соҳага оид инновацион махсуслотларни яратиш, синов-тадқиқот ишлари, мувофиқликни баҳолаш тизими ва ёнгин-техник экспертизаси янада ривожлантирилади.

Фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳаси доирасида масъул вазирлик ва идораларнинг тегишли ахборот тизимлари, ресурслари, мултисервис тармоқларини яратиш ҳамда сунъий интелект технологияларини қўллаш учун зарур шарт-шароитларни ташкил этиш мақсадида 2026 йил 1 январдан бошлаб 2027 йил якунига қадар Фавқулдда вазиятлар вазирилигида юридик шахс мақомига эга бўлмаган “Digital team” идораларро рақамли жамоа фаолияти йўлга қўйилади. Бунда белгиланган вазифаларни амалга оширишда идораларро рақамли жамоа таркибидagi вазирлик ва идоралар тегишли мутахассислари ва молиявий ресурслари билан иштакорк этади.

Фавқулдда вазиятлар вазирилиги ва Рақамли технологиялар вазирилигининг мувофиқлаштирувида қуйидагилар амалга оширилади:

— 2026 йил 1 декабрга қадар идораларро рақамли жамоа томонидан ягона технологик талаблар асосида фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳаси яхлит рақамлаштирилади;

— 2027 йил 1 декабрга қадар вазирлик ва идораларнинг тегишли 45 дан зиёд ахборот ресурслари ва тизими Фавқулдда вазиятлар вазирилиги ахборот-таҳлилчи платформаларига интеграция қилинади.

2025 йил 1 декабрга қадар Фавқулдда вазиятлар вазирилигида соҳавий тузилмаларнинг малакали ходимлари ҳамда илмий-тадқиқот ташкилотлари мутахассис-экспертларидан иборат кросс-функционал гуруҳ ташкил этилади. Бунда кросс-функционал гуруҳ 2027 йил якунига қадар:

- соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг ташкилий-техник, иқтисодий, ҳуқуқий ва методологик асосларини яратиш, маҳаллий ва илгор хорижий тажрибаларнинг таҳлилий хулосаларини шакллантириш;
- фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилиш тизимини яхлит рақамлаштириш орқали бизнес жараёнларини мақбуллаштириш учун самарали, янги ва инновацион ечимлар ишлаб чиқиши;
- рақамли трансформация лойиҳаларининг сегментлари, компонентлари ва алгоритмлари ишлаб чиқилиши, соҳага татбиқ этилиши ва такомиллаштирилишига масъул бўлади.

Тизимда илм-фан ва инновацияларни ривожлантириш мақсадида Фавқулдда вазиятлар вазирилиги Фавқулдда вазиятлар муаммолари ва ёнгин хавфсизлиги илмий-тадқиқот институти Фавқулдда вазиятлар вазирилиги Илмий-инновацион ва синов-тадқиқот институти эти қайта ташкил этилди.

Мудофаа саноати агентлигининг Инновацион технологиялар маркази институтининг илмий-инновационий ишланмаларини тажриба-конструкторлик жиҳатидан таъминлаш ва фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги махсуслотлар тажриба намуналарини яратиш ва уларни ишлаб чиқиш бўйича масъул ташкилот этиб белгиланди.

2027 йил 1 январдан бошлаб институтда инновацион лойиҳалар ва синов-тадқиқот ишлари асосида ишлаб чиқилган, маҳаллийлаштирилдиган махсус-техник, илмий-техник ва интеллектуал махсуслотларни уч йил муддатга шартнома тузиш орқали Фавқулдда вазиятлар вазирилиги ва унинг тизимидаги ташкилотлар томонидан кафолатли харид қилиш механизми жорий этилади.

Дастурий махсуслотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (АТ-парк) ва унинг ҳудудий филиаллари резидентларининг фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги муаммолар ечимига қаратилган стартап лойиҳалари шакллантирилиб, улар инкубация ва акселерация дастурларига киритилади.

Бир сўз билан айтганда, аҳолини табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилишда жамиятда хавфсизлик маданиятини шакллантириш, ҳар бир фуқарода шахсий масъулият туйғусини кучайтириш ва хавфсиз муҳит яратишда ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиш барқарор ривожланишнинг асосий қарори ҳисобланади.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

Кун мавзуси

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ХАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Бошланиши 1-бетда

Махсулотлар эса асосан қўшни давлатларга жўнатилган. Баъзан юк машиналари сақлаш талабларига жавоб бермагани ва махсулот сифати бузилгани боис, буюртмачи томонидан қайтариб юборилган. Яъни узоқ давлатларга экспорт камлиги, махсулотлар асосан маҳаллий бозорларга чиқарилгани сабаб логистика компанияларига талаб юқори бўлмаган.

Ҳозир бу бозорни йирик ва замонавий корхоналар, ҳатто хориж компаниялари эгалламоқда. Экспортёр тадбиркорларда танлаш имконияти кенгайган. Махсулотини энг тез, сифатли ва халқаро стандартлар талабларига мос етказиб берадиган логистика марказлари билан шартномалар имзолашнинг бундай компаниялар нафақат транспорт хизматлари

ЭКСПОРТНИНГ АСОСИЙ КАЛИТИ ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИ ТАРМОҒИ ҚАНДАЙ РИВОЖЛАНМОҚДА?

кўрсатади, балки тадбиркорларни хориждаги импортёрлар билан боғлаб, ўзаро шартномалар имзолашига ҳам кўмаклашмоқда.

Асосий талаб — сифат

Бехруз Мамажонов уч йилдан буён шу йўналишда фаолият юритади. У ишлайдиган “All Time Group” компанияси асли литвалик инвесторга тегишли. Корхонанинг юртимиздаги филиали 2021 йилда очилган. Компанияда транспорт хизматлари кўрсатилади. Аввалгига, асосан, Европа мамлакатлари ва бошқа давлатлардан махсулот импорт қилинган бўлса, ҳозир Ўзбекистондан Европа бозорларига юк етказиб бериш фаоллашган. Ҳар ойда камидан 100 та юк машинасида махсулот экспорт қилинади.

Бехруз Ўзбек, рус, инглиз ва немис тилларида эркин гаплаша олади. Шу боис, асосан мижозлар билан мулоқот қилади. Айтишича, Европа бозорига маҳаллий махсулотларимизга талаб катта, фақат товар мижозга сифатли етказиб берилиши керак. Бу вазифани логистика компанияси ўз зиммасига олади. Яъни махсулотни ишлаб чиқарувидан мижозгача керакли ҳароратда, сифатини сақлаган ҳолда етказиб беришга масъул.

— Баъзи йирик компанияларнинг ўз юк машинаси бўлади ва ташки манбага эҳтиёж сезмайди. Аммо кўплаб ўрта ва кичик корхоналарда бундай имконият йўқ. Улар махсулотини экспорт қилишда бизники каби логистика компаниялари хизматидан фойдаланади, — дейди Бехруз Мамажонов. — Кейинги йилларда юртимизда бу турдаги компаниялар кўпайиши ортидан рақобат ўсгани рост. Аммо шунга яраша талаб ҳам ортиб бораётгани мижозларимиз сонини оширяпти. Ҳозир Ўзбекистонда экспортёр корхоналар кўп ва уларнинг катта қисми Европа бозорига чиқишга интилоқда. Компаниямиз Европанинг барча давлати билан ҳамкорлик қилади. Юртимизнинг турли ҳудудда ишлаб чиқариладиган махсулотларни Италия, Германия, Нидерландия, Бельгия, Буюк Британияга етказиб берамиз. Кўпроқ

минерал ўғит, кабель, текстиль махсулотлари, мева-сабзавот, қуруқ мева экспорт қилади. Аниқроғи, шу йўналишда ишлайдиган маҳаллий корхоналар орасида ҳамкорларимиз кўп. Европа бозорига ҳам шу турдаги махсулотларга талаб юқори.

Европа — ниҳоятда катта бозор. Унга кириб бориш бир масала бўлса, доимий ўрин эгаллаш янада қийин. Чунки рақобат кучли, сифат борасидаги талаб ҳам жуда юқори ва ўзгарувчан. Ана шу талабга жавоб бера олаётган маҳаллий тадбиркорлар доимий харидорга эга бўляпти. Бунда уларга логистика корхоналари ҳам кўмаклашапти. Чунки мамлакатимизда экспорт қанча кўп бўлса, етказиб бериш ва транспорт хизматларига эҳтиёж шунча ошади.

Бехрузнинг айтишича, ҳозир Европа давлатларига кунига 10 та юк машинасида махсулот экспорт қилаётган корхоналар бор. Ҳар битта фурага 22 тоннадан махсулот ситишини ҳисобга олсак, қийматини чамалаш оsonлашади. Айниқса, минерал ўғитлар, мис ва кабель махсулотларига талаб ошиб борапти. Бу жараён жаҳондаги геосиёсий вазият, айрим давлатларга қўлланаётган чекловлар, қолаверса, кишлоқ ҳўжалиги, электротехника саноати каби соҳалар жадал ривожланиётгани билан боғлиқ. Ушбу эҳтиёжни таъминлаш учун бизда шароит бор, барча соҳада ишлаб чиқариш қуввати ошиб, экспортга кенг йўл очилди. Фақат тадбиркорлар халқаро стандартлар талаблари ва сифатга алоҳида эътибор қаратиши лозим.

— Логистика компанияси вақили сифатида юртимиздан Европа бозорига экспорт ҳажми кескин ошгани, тадбиркорларимиз янги бозорларга кириб бораётганига гувоҳимиз, — дейди Бехруз Мамажонов. — Аммо давлатимиз раҳбари видеоселектор йиғилишларида таъкидлаётганидек, бу ҳали етарли кўрсаткич эмас. Зарур шароитлар яратилганига қарамай, Европада экспорт ҳажми кутилганидан кам. Хўш, бу нима билан



боғлиқ? Амалиётдан келиб чиқиб айтсам, бунга кўплаб омиллар сабаб. Энг асосийси, албатта, сифат масаласи ва бизда махсулот етиштиришда узвийлик йўқлиги, яъни мавсумийлик шаклланиб қолганида. Масалан, европалик харидор биздан узум сотиб олишни бошлади. Бироқ мавсум тугагач, ушбу мевани унга етказиб бериш тўхтаб қолади. Табиийки, у бошқа давлатдан етиштирувчи излай бошлайди. Бошқа жиҳатдан, бор махсулотни экспорт қилишда ҳам сифат ва қадоқлашда кўп муаммолар кузатилади. Афсуски, тадбиркорларимиз орасида халигача хорижга юборилаётган махсулот орасига сифатсизларини жойлаш ҳолатлари учраяпти. Шу сабаб мижозларнинг махсулотни ортага қайтариб юбориш ҳолатига кўп дуч келамиз. Бу, аввало, тадбиркорнинг ҳаменига катта зарар. Чунки транспорт харажати кичик сумма эмас. Қолаверса, бу каби ҳолатлар мамлакатимиз имижини, миллий брендимизга ёмон таъсир қилади.

Шу боис, Европа бозорига ҳозир кўпроқ кийим-кечак, минерал ўғитлар, мис каби мавсум танламайдиган, сифати ўзгармайдиган махсулотлар экспорт қилинапти. Шу билан бирга, юртимизда тайёрланган қуруқ мевага ҳам талаб катта. Қўшли ўлкамизда етиштирилган мева-сабзавотлар таъминини европаликлар эътироф этаётгани, катта ҳажмдаги экспортга буюртма бераётгани ҳақида эшитяпмиз. Тўғри, бунда ҳам махсулот харидорга етиб борган, сифатга жавоб бермаслик ҳолати кузатилади. Бу масала ўзаро тузилган шартномалар асосида ҳал этилади. Аммо аксарият ҳолларда европаликлар қуруқ мевамиз сифатидан мамнун. Боиси, тадбиркорларимизнинг ҳам экспорт бўйича билими ошиб, тартиб-қоидалар ва йўл-йўриқни пухта эгаллапти.

“Ўзбекистон махсулотларининг мазаси алоҳида мавзу”

Бугун мамлакатимизда ишлаб чиқариш қувватини ошириш билан бирга махсулотларга муносиб харидор ва бозор топишга ҳам катта эътибор қаратиляпти. Аниқроғи, бу сазй-ҳаракатлар саккиз йил олдин бутунлай янгидан бошланди дейиш мумкин. Бугунги натижалар эса ўша вақтдагидан бир неча баробар юқори. Хусусан, ўтган даврда юртимиз ялпи ички махсулоти 2 баробар ошиб, ўтган йили экспорт қиймати 26 миллиард долларга етди.

Бунда хорижий инвестициянинг ҳам улуши катта. Унинг ҳисобига мамлакатимизда юзлаб ишлаб чиқариш корхонаси очилиб, барча соҳага замонавий технологиялар жорий этиляпти. Янгича, халқаро стандартлар асосида ишлаш тажрибаси ривожланипти. Қувватлар ошиши экспорт ҳажми, иқтисодиёт ривожига бевоcита таъсир кўрсатмоқда.

Биргина мисол: ўтган саккиз йилда мамлакатимизга қарий 130 миллиард долларлик хорижий инвестиция кириб келди.

“All Time Group” логистика компанияси ҳам хорижий корхона бўлиб, бош офиси Литвада жойлашган. 2010 йилда ташкил топган мазкур компания мамлакатимиз бозорига 2016 йилда кириб келди. Ишни Европадан Ўзбекистонга махсулот импорт қилишдан бошлаган. Кейинроқ юртимизда инвесторларга берилаётган имкониятдан фойдаланиб, шу ерда филиалини очган ва 2021 йилдан расман корхона сифатида фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, Швеция, Германия ва Қозғистонда филиаллари бор.

— Ўзбекистон жуда тез ривожланиётган ва улкан иқтисодий салоҳиятга эга мамлакат. Бозори ҳам ўсувчан, — дейди “All Time Group” Литва компанияси директори Эдгар

чиқшининг имкони йўқ, Шу боис, ҳаво йўллари ва темир йўл транспорти ҳамда юк машиналаридан фойдаланилади. Уларнинг ҳар бири етказиш муддати, нархи ва бошқа омилларга кўра фарқ қилади. Экспортёрлар талабга қараб улардан бирини танлайди.

Ҳамюртимиз фаолият юритаётган хорижий компания мижозларга юк етказиб беришнинг барча усулларини таклиф қилади. Махсулотлар Ўзбекистондан асосан юк машиналарида чиқиб кетади. Бу авиатранспортга нисбатан анча арзон, темир йўлга нисбатан тезроқ ҳаракатланади. Компаниянинг ўзига тегишли энг замонавий юк машиналари бор, аммо Ўзбекистонда юк машиналарини ижарага олишда маҳаллий транспорт корхоналари билан ҳамкорлик қилинади. Юк машиналари махсулотни Литванинг Вильнюс шаҳридаги омборхонагача



Янкелайтес. — Салкам ўн йилдан буён шу ердამиз ва соҳадаги янгиланишларга бевоcита гувоҳ бўляпмиз. Яқин йилларда Ўзбекистон Марказий Осиёнинг асосий нуқтасига айланади. Мамлакатда экспорт қуввати ҳам ошиб борапти. Давлатнинг мазкур тармоқни ва экспортёрларни фаол қўллаб-қувватлаши туфайли бизники каби логистика компанияларига ҳам талаб ортмоқда. Шу вақтгача экспортёрлар учун бирор катта муаммо ёки тўсиқ борлигини кўрмадик. Хорижлик инвесторларга муносабат эса бутунлай ижобий. Фаолиятимиз давомидида бирор қийинчиликка дуч келмадик. Аксинча, барча йўналишда давлат қўллаб-қувватлайди. Бундай шароитда ҳар қандай корхона янада ривожланади. Ўзим ҳам Ўзбекистонга ҳар 2-3 ойда келиб тураман. Мамлакат иқтисодиёти жадал ривожланипти. Бу бозор яқин йилларда янада ўсиб боради, экспорт ҳам ўсади деганидир. Өзқ-өвқат махсулотларининг мазаси эса алоҳида мавзу.

Мақсад — миллий брендимизни оммалаштириш

Юртимиздаги логистика компанияларига қатор имтиёзлар берилган. Экспортга чиқаришда тадбиркорлар харажати давлат томонидан қоплаб бериляпти. Мақсад — экспортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш, махсулотларимизга дунё бозорига доимий харидорлар топиш, миллий брендимизнинг жажон бозорига кенг оммалаштишини таъминлаш.

Дунё амалиётига кўра, юкларни ташиш ва етказиб беришдаги энг арзон восита йўл — денгиз йўли. Аммо бизда денгизга


етказиб беради. Компания у ердан махсулотларни ўзига тегишли юк машиналарига ўтказиб, белгиланган Европа давлатига етказди.

— Литванинг Клайпеда деган порт шаҳрида жуда катта омборхона очилляпти, — дейди Бехруз Мамажонов. — Давлатимиз раҳбарининг топириғи билан энди Ўзбекистондан ҳам махсулотлар олиб борилиб, ўша омборхонага жойлаштирилади ва сақланади. Бу омборхонадан исталган экспортёр тегишли тартибда фойдалана олади. Ҳозир махсулотларни кўргазма майдонига жойлаш ишлари бажариляпти. Европа давлатларидаги харидорлар эса ўша ерининг ўзида махсулотларимиз билан танишиб, буюртма бериши мумкин. Бу маҳаллий тадбиркорларнинг махсулот намуналарини хорижга юбориш билан боғлиқ транспорт харажатини тежайди.

Бошқа жиҳатдан, логистика компаниялари кўпайиши туфайли юк машинаси ҳайдовчиларига ҳам талаб ошяпти. Айниқса, Европа давлатларида ёшлар қатлами камлиги боис, ўзбекистонликларга кўпгина бўш иш ўринлари таклиф этилмоқда. Масалан, маълумотларга кўра, биргина Германияда 1 миллионга яқин катта юк машинаси ҳайдовчиси етишмайди.

Қолаверса, юртдошларимиз бу йўналишнинг ҳадисини олиб, хорижда логистика компанияларини очяпти. Даромадли соҳа ортидан Ўзбекистон ва Европа давлатларини боғлаб, экспорт ҳажми ўсишига ҳисса қўшмоқда. Бундай корхоналар сони ортиб, рақобатнинг ўсиши логистика хизматлари сифати ошишига хизмат қилмоқда.

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири



Бугунги глобаллашган дунёда энергетика соҳаси нафақат иқтисодий ўсиш, балки экологик барқарорлик, ижтимоий масъулият ва давлатларнинг стратегик мустақиллиги каби муҳим мезонлар билан чамбарчас боғлиқ. Айниқса, қайта тикланувчи энергия манбаларига ўтиш жараёни нафақат замонавий талаб, балки инсониятнинг истиқболини белгилайдиган муқаррар воқеали сифатида намоён бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан, гидроэнергетика экологик тоза энергия манбаи бўлиши баробарида мураккаб геосиёсий ва иқтисодий шароитларда стратегик аҳамиятга эга тизим ҳамдир.

ЁХУД “ЎЗБЕКГИДРОЭНЕРГО”НИНГ ИҚЛИМ СТРАТЕГИЯСИ

Кейинги йилларда юртимизда ушбу йўналишда қатор тизимли ислохотлар амалга оширилаётгани халқаро майдонда ҳам қизиқишларга сабаб бўлаётир. Жумладан, жаҳондаги нуфузли “Sustainable Fitch” (Лондон) халқаро рейтинг агентлиги “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамиятини фаолиятини тўлиқ экологик барқарорликка ҳисса қўшаётган компания сифатида эътироф этди.

Экологик барқарорликни таъминловчи, қайта тикланувчи энергия манбалари инсон ва табиат ўртасидаги мувозанатни таъминлашда стратегик аҳамиятга эга. Бу жараёнда “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг ўрни беқийс. Унинг сўнгги йиллардаги фаолияти Ўзбекистоннинг янги даврдаги экологик ва иқтисодий сиёсатининг ёрқин ифодасидир.

Шу билан бирга, “Sustainable Fitch” халқаро рейтинг агентлиги “Ўзбекгидроэнерго”нинг ESG рейтингини (экологик,

ижтимоий ва корпоратив бошқарув самардорлигини) “2” даражада тасдиқлади ҳамда умумий балини 72 дан 79 га оширди. Бундай юқори кўрсаткич компаниянинг иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатишга қўшган улкан ҳиссаси, шунингдек, 2024 йилда ишлаб чиқилган “Иқлим стратегияси — 2050” орқали иссиқхона гази чиқиндисини қисқартириш бўйича аниқ мақсадлар белгиланганини англатади.

Бу, аввало, мамлакатимизда иқлим ўзгаришлари масаласи бўйича халқаро майдонда эътироф этиларли даражада тизимли ишлар қилинаётганининг яққол далилидир. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг келажакдаги таъминлаш йўлида экологик тоза энергетика тизимига устувор аҳамият қаратилаётгани, барқарор ривожланиш тамойилларига содиқ қолинаётганини ҳам англатади.

“Sustainable Fitch” агентлиги таъкидлаганидек, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ



бугун Марказий Осиёдаги энг юқори ESG рейтингига эга компания сифатида тан олинди. Бу натижа нафақат компания фаолиятининг самардорлиғи, балки Ўзбекистонда барқарор энергетика, экологик масъулият ва узоқ муддатли ривожланиш тамойилларига амал қилинаётганини ҳам яққол тасдиқлайди.

“Ўзбекгидроэнерго” ҳозир мамлакатимиздаги асосий гидроэнергетика ишлаб чиқарувчиси бўлиб, 75 та гидроэлектр ва 1 та шамол электр станциясини бошқаради. 2024 йил якунларига кўра, умумий қуввати 2256 мегаваттга ташкил этади. Бу рақам ортда нафақат энергия таъминоти, балки барқарор ривожланиш, инфратузилмани модернизация қилиш ва “яшил” иқтисодиёт тамойилларини ҳаётга жорий этишдек улкан мақсад мужассам.

Акциядорлик жамияти 2050 йилгача мўлжалланган иқлим стратегиясини қабул қилган. Унда Score 1 ва Score 2 туркумига

кирувчи иссиқхона гази чиқиндисини 2028 йилгача 20 фоиз камайтириш режалаштирилган. Бу ҳужжат нафақат техник дастур, балки фалсафий жиҳатдан ҳам муҳим қадриятларга асосланади. Чунки иқлимни асраш бугун инсоният олдида турган энг масъулиятли вазифалардан биридир. Ўз навбатида, декарбонизация бўйича бундай узоқ муддатли стратегия Ўзбекистонда илк бор амалга оширилаётгани ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

“Ўзбекгидроэнерго” ижтимоий йўналишда ҳам мустаҳкам позицияга эга. Ходимлар қўнисизлиги кўрсаткичи пастлиги — компаниядаги барқарор кадрлар сиёсати, самарали бошқарув ва соғлом иш муҳитининг ёрқин исботидир. Бу ҳолат эса, ўз навбатида, ишлаб чиқаришда самардорлик ва корпоратив маданиятни оширишга хизмат қилади.

Корпоратив бошқарувда ҳам “Ўзбекгидроэнерго” АЖ мукамал тизим яратган. Икки босқичли бошқарув структураси, халқаро ISO стандартлари жорий этилиши, самарали риск-менеджмент механизми — буларнинг барчаси компаниянинг очиклик ваشفофликка содиқлигини англатади. Янада муҳим жиҳати — ҳисобот даврида бирорта ҳам бошқарув инциденти ёки қонунбузарлик ҳолати қайд этилмаган.

Бундай ютуқлар тасодиғ эмас. Улар давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, яъни экологик тоза энергия, инсон капитали ва масъулиятли бошқарув моделини ҳаётга татбиқ этиш орқали амалга оширилмоқда. Бу ютуқлар нафақат бугунги иқтисодий манфаатдорлик, балки эртанги авлодга тоза муҳит, барқарор энергетика ва масъулият ҳиссини меърос қилиб қолдиришга хизмат қилади.

Сардор ТОЛИБОВЕВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

